



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 23 » июль

№ 451

Toshkent sh.

Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида

“Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ болалар ўйинчоқларининг хавфсизлигига қўйиладиган ягона талабларни белгилаш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент иловага мувофиқ тасдиқлансан ва расман эълон қилинган кундан бошлаб ўн икки ой ўтгандан кейин амалга киритилсин.

2. “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ техник регламент амалга киритилгач, стандартлаштириш бўйича уларда кўрсатилган маҳсулотлар ва хизматларга доир илгари қабул қилинган норматив ҳужжатлар мажбурийлик хусусиятини йўқотиши ва белгиланган тартибда ихтиёрий қўлланилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. “Ўзстандарт” агентлиги ваколатли давлат органлари билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган Умумий техник регламент амалга киритилган кундан бошлаб, болалар ўйинчоқларини стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни қўллашда мажбурийлик хусусиятини бекор қилиш ва ихтиёрий қўллашни таъминлаш юзасидан белгиланган тартибда чоралар кўрсин.

4. “Ўзстандарт” агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда тасдиқланган ушбу Умумий техник регламентнинг мақсадлари, мазмун ва моҳияти ҳамда уни қўллаш тартиби тўғрисида аҳоли, давлат бошқаруви органлари, тадбиркорлик фаолияти субъектлари кенг хабардор қилинишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи ҳамда “Ўзстандарт” агентлиги бош директори Д.Н. Саттаров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “23” июл даги 45-сон қарорига
илова

Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги тўғрисида умумий техник регламент

1-боб. Умумий қоидалар

1-§. Мақсади ва қўллаш соҳаси

1. Ушбу Умумий техник регламент (кейинги ўринларда – Техник регламент) болалар ўйинчоқлари хавфсизлиги, болалар ва уларга қарорчи шахсларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб болалар ўйинчоқларини хавфсиз ишлаб чиқариш ҳамда сотиш талабларини белгилайди. Шунингдек, болалар ўйинчоқларидан фойдаланиш ва уларнинг хавфсизлиги хусусида истеъмолчиларни чалғитувчи ҳаракатларнинг олдини олади.

2. Техник регламентга 1-иловада келтирилган болалар ўйинчоғи деб қаралмайдиган маҳсулотларга, шунингдек, шахсий буюртмалар ва кўргазма нусхалари сифатида тайёрланган ўйинчоқларга мазкур Техник регламент талаблари татбиқ этилмайди.

2-§. Атамалар ва таърифлар

3. Мазкур Техник регламентда қўйидаги атама ва таърифлар қўлланилади:

алангланиш – ёнгин ҳосил қилувчи манба таъсирида аланганинг ҳосил бўлиши;

бажарадиган вазифасига кўра қўлланилиши – ўйинчоқдан ишлаб чиқарувчининг ўйинчоқда ёки ишлатиш тартиби қайд қилинган ҳужжатларда бажарадиган вазифасига кўра фойдаланиш;

болалар – ўн саккиз ёшга тўлмаган (вояга етмаган) шахслар;

болалар ўйинчоғи – болалар ўйнаши учун мўлжалланган буюм ёки материал;

стол усти йиғма ўйинчоқ – тўлиқ полиграфик усулда тайёрланган, қўшимча ўйин элементлари қўлланилган ёки қўлланилмаган ўйинчок;

ишлаб чиқарувчи – Техник регламент асосида ўйинчоқларни ўз номидан хавфсизлик талабларига риоя қилинган ҳолда ишлаб чиқаришга масъул бўлган ва сотишни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс сифатидаги тадбиркор;

кавшарлаш – материал қисмларини эритилган қўлом билан бир-бирига улаш;

кимёвий ўйинчоқ – болаларнинг кимёвий тажрибаларни бажаришлари учун мўлжалланган бир ёки бир неча кимёвий моддалардан ва (ёки) кимёвий реактивлардан иборат бўлган тажриба ускуналари билан таъминланган ёки тажриба ускуналарисиз кимёвий тўплам;

кимёвий моддаларни ўз ичиға олган (кимёвий тажрибалар ўтказишга мўлжалланмаган) ўйин тўплами – гипсли қўймаларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган қолиплар; кичик ҳунармандчилик устахоналарини жиҳозлашда қўлланиладиган сопол материаллар ва қотиувчи эмаллар; пластифицитли поливинилхlorид асосидаги массани қолипловчи тўпламлар (печда тобланадиган), бадиий қўймаларни ҳосил қилишда қўлланиладиган тўпламлар; пломбалар учун қўлланиладиган тўпламлар; фотосуратларни чиқаришда қўлланиладиган тўпламлар; конструкторлик ишларига мўлжалланган елимловчи моддалар, бўёқлар, лаклар, аралаштиргичлар ва тозалагичлар (эритгичлар) тўпламлари;

конструкторлик тўплами – турли ўйинчоқларни йиғиш учун мўлжалланган, механик ва (ёки) электр (электрон) таркибий қисмлардан иборат бўлган тўплам;

модел-нусха ўйинчоқ – ўлчамлари реал техник қурилманинг масштаби бўйича кичрайтилган нусхасидан иборат бўлган ўйинчоқ;

оптик ўйинчоқ – ишлаш принципи геометрик оптика принципларидан фойдаланишга асосланган ўйинчоқ;

ўйинчоқлар материали – ўйинчоқ таркибига кирувчи барча материаллар;

ўйин тўплами – болаларнинг ижодкорлигини оширишга ва қўл меҳнати кўнікмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи турли предметлар, материаллар, моддалардан ташкил топган ўйинчоқ;

фойдаланувчи – ўйинчоқдан ўз мақсадига кўра фойдаланувчи бола ва болага қаровчи шахс;

функционал ўйинчоқ – катталар томонидан фойдаланиладиган буюм ёки қурилманинг ишлаши ва унинг бажарадиган вазифаларига тақлид қилиб ясалган ўйинчоқ;

хавф – боланинг ҳамда унга қаровчи шахснинг ҳаёти ва соғлиғига зарар келтирувчи сабаблар, бу заарлар оқибатларининг эҳтимоллик даражаси;

электр ўйинчоқ – бирор-бир функцияси электр энергияси хисобига ишловчи ўйинчоқ;

2-боб. Хавфсизлик талаблари

1-§. Ёнғин хавфсизлиги талаблари

4. Юмшоқ ўйинчоқлар, карнавал костюмлари ва карнавал ўйинчоқ маҳсулотлари (масалан, соколлар, мўйловлар, париклар, никоблар, тожлар), шунингдек, болалар ичига жойлаша оладиган ўйинчоқлар ёнғиндан ҳимояланган бўлиши зарур.

5. Таркибида кимёвий моддалар мавжуд бўлган, лекин кимёвий тажрибаларга алоқаси бўлмаган ўйинлар тўплами, моддалар аралаштирилганда ёнмайдиган, шунингдек, заарли тутун ва газларни ҳосил қилмайдиган бўлиши зарур.

6. Болалар ўйинчоғининг таркиби портлаш хусусиятга эга бўлган моддалар ва материаллардан иборат бўлмаслиги керак.

7. Болалар ўйинчоқларининг, шунингдек, кимёвий ўйинчоқларнинг таркибида:

қизиши, шунингдек, оксидланувчи моддаларнинг бирикиши натижасида реакцияга киришиб, портловчи аралашма ҳосил қилиш;

ҳаво билан аралashiши натижасида алантга ёки портлаш хусусиятига эга бўлган буғни ҳосил қилувчи хусусиятга эга бўлган модда ёки реагентлар бўлмаслиги керак.

2-§. Кимёвий хавфсизлик талаблари

8. Ўйинчоқлардан фойдаланиш вақтида унинг таркибидаги кимёвий моддалар фойдаланувчининг нафас йўлига, терисига, кўзлари ва ошқозони шиллиқ қаватига тушиши натижасида соғлиғига зарар келтирмаслиги зарур.

9. Болалар ўйинчоқларида заарли кимёвий моддаларнинг тарқалиш даражаси ва ажralиб чиқиши Техник регламентга 2-иловада келтирилган гигиеник хавфсизлик талабларига мувофиқ бўлиши керак.

10. Кимёвий тажрибалар тўплами учун фойдаланилмайдиган, таркибида кимёвий моддалар бўлган кимёвий ўйинчоқларда ва ўйин тўпламларида ҳар бир модда учун максимал рухсат этилган миқдордан ошмаган тақдирда, маълум миқдорда моддалар ёки реагентлар бўлишига рухсат этилади.

3-§. Токсикологик-гигиеник хавфсизлик кўrsatkichlari

11. Болалар ўйинчоқларининг гигиеник хавфсизлиги, токсикологик-гигиеник кўrsatkichlari Техник регламентга 2-иловада келтирилган гигиеник хавфсизлик талабларига мос бўлиши керак.

4-§. Электр хавфсизлик талаблари

12. Электр ўйинчоқларда, шунингдек, уларнинг таркибий қисмининг бирортасида ҳам номинал кучланиш 24 V дан ошмаслиги керак.

13. Болалар ўйинчоқларининг электр энергия билан туташтирувчи ёки туташиш хусусиятига эга бўлган қисмлари, шунингдек, кабеллар ва симлар электр токи уриши хавфини бартараф этиш мақсадида изоляцияланган ва механик ҳимояланган бўлиши керак.

14. Электр токи манбай билан ишлайдиган болалар ўйинчоқларининг электр таъминот қисмлари электр токидан шикастланишдан ҳимояланиши, намлика чидамлилик, ўтказгичлар қобигининг электр қаршилиги, ўтказгичлар қобигининг электр мустаҳкамлиги, механик мустаҳкамлиги каби электр хавфсизлик кўрсаткичлари талабларига жавоб бериши зарур.

15. Радиобошқарувли, электр ва электр-техник ўйинчоқларининг электр статик, электр магнит ва электр майдонларининг қучланганлик даражаси Техник регламентга 2-иловада келтирилган гигиеник хавфсизлик талабларига мувофиқ бўлиши керак.

16. Учви ўйинчоқлар учун шнурлар металл бўлмаган материалдан тайёрланиши керак.

5-§. Радиацион хавфсизлик талаблари

17. Табиий материаллардан тайёрланган болалар ўйинчоқларининг радиоцион хавфсизлик (табиий радионуклидларнинг солиштирма актив самарадорлиги) кўрсаткичлари Техник регламентга 2-иловада келтирилган гигиеник талабларга мувофиқ бўлиши керак.

6-§. Микробиологик хавфсизлик кўрсаткичлари

18. Микробиологик кўрсаткичлар Техник регламентга 2-иловада келтирилган гигиеник талабларга мувофиқ бўлиши зарур.

7-§. Қадоқлашга оид хавфсизлик кўрсаткичлари

19. Болалар ўйинчоқлари алоҳида ёки бир нечтаси бирга қадоқланади. Қадоқлаш воситасини қўллаш доираси ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланади.

20. Озиқ-овқат маҳсулотларида ва (ёки) озиқ-овқат маҳсулотлари билан чакана савдога чиқарилган болалар ўйинчоқлари ўзларининг алоҳида қадоқларига эга бўлиши талаб этилади. Қадоқлар хавфсиз бўлиши ва ўлчамлари боланинг бўғилиб қолиши хавфини юзага келтираслиги керак.

21. Сотувдаги қадоқланган болалар ўйинчоқларининг қадоқлари фойдаланишга мўлжалланган бўлса, у ҳолда қадоқлаш воситаси ўйинчоқнинг таркибий қисми деб қаралади.

8-§. Тамғалашга оид хавфсизлик кўрсаткичлари

22. Болалар ўйинчоқларининг тамғаланиши ишончли бўлиши, текшириладиган, аниқ, онсон ўқиладиган, кўздан кечириш ва идентификация қилиш имконини берадиган бўлиши керак.

23. Тамғалаш ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли шахси) ва импорт қилувчи томонидан амалга оширилади. Тамғалаш ўрни ва усули ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли шахси) томонидан белгиланади.

24. Тамға қўйидаги маълумотлардан ташкил топган бўлиши зарур:

- болалар ўйинчоғининг номланиши;
- болалар ўйинчоғини ишлаб чиқарган давлатнинг номи;
- белгиланган тартибда берилган мувофиқлик сертификати билан тасдиқланган миллий мувофиқлик белгиси;
- ишлаб чиқарувчининг ва импорт қилувчининг номланиши, улар жойлашган манзиллар ҳамда боғланиш учун бошқа ахборотлар;
- ишлаб чиқарувчининг товар белгиси (мавжуд бўлса);
- болалар ўйинчоқларининг қандай минимал ёшдаги болалар учун мўлжалланганлиги ёки болалар ёшини билдирувчи пиктограмма;
- асосий конструкцион материаллар (3 ёшгача бўлган болалар учун) (зарурат туғилганда);
- болалар ўйинчоғини сақлаш усуллари (агар керак бўлса);
- ишлаб чиқарилган сана (ой, йил);
- фойдаланиш ёки яроқлилик муддати (уларни тайёрланишида);
- сақлаш шартлари (агар керак бўлса).

25. Болалар ўйинчоқларининг турига қараб тамғаларига қўйидагилар кўшилади: болалар ўйинчоқлари таркибий қисмларининг тўлиқлиги (тўпламлар учун), ўйинчоқдан фойдаланиш қоидалари, гигиеник қайта ишлаш усуллари, ўйинчоқдан фойдаланганда хавфсизлик чоралари, огоҳлантирувчи ёзувлар, уни йиғиш учун йўриқнома.

26. Огоҳлантирувчи ахборотлар Техник регламентга З-иловада келтирилган болалар ўйинчоқларидан фойдаланишда алоҳида эҳтиёткорликни талаб қилувчи норматив кўрсатмаларни ўз ичига олади.

27. Болалар ўйинчоқлари жамланмаси билан бирга тақдим қилинадиган тамғалаш ва техник ҳужжатлар давлат тилида, экспорт учун мўлжалланган ўйинчоқлар эса экспорт қилинаётган давлат қонунчилиги талабларига мос бўлган ҳолда таёrlанади.

9-§. Бошқа хавфсизлик талаблари

28. Болалар ўйинчоғи шундай ишлаб чиқилиши ва тайёрланиши керакки, у мўлжалланган вазифасининг бажарилишида болалар ва уларга қараб турувчи шахсларнинг соғлиғига ва ҳаёти учун хавф тутдирмаслиги шарт. Жумладан:

- ўйинчоқнинг конструкцияси туфайли;
- кўлланилган материали туфайли;

конструкцияси ўзгарганда, унинг функциясини ҳам, материали ва асосий тасифини ҳам ўзгаририш талаб қилинадиган ўйинчоқлардан фойдаланишда;

ўйинчоқлардан фойдаланиш хавфи болаларнинг ёш хусусиятига боғлиқ бўлиши керак.

29. Болалар ўйинчоқларини тайёрлашда фойдаланиладиган хомашё тоза (ифлос бўлмаган), юқимли касалликлар билан боғлиқ бўлмаган ва мазкур Техник регламентга 2-иловада келтирилган ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжат талабларига мос бўлиши керак.

30. 3 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган ўйинчоқларни тайёрлашда табиий мўйнадан, табиий чармдан, ойнадан, чиннидан, бўялган каучукдан, картон ва қофоздан, нам муҳитда ўлчамлари 5 фоиздан кўпроқقا ошадиган предметлардан ҳамда овоз чиқарувчи болалар ўйинчоқларини ичини тўлдиришда ўлчами 3 mm ва ундан кичик бўлган гранулалардан фойдаланиш мумкин эмас.

31. 3 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган ўйинчоқларда хавфлилиқ даражаси техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларда кўрсатилган 1-тоифага мансуб бўлган кимёвий моддаларни кўллашга йўл қўйилмайди.

32. Болалар ўйинчоқларига иккиласми хомашёлар, яъни бошқа мақсадларда ишлатилган ва қайта ишлаш натижасида олинган хомашёларни кўллашга йўл қўйилмайди. Болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқаришда ўз корхонасининг чиқиндиларидан фойдаланишга рухсат берилади.

33. Болалар ўйинчоқларининг муҳофаза-декоратив юза қопламаси нам муҳитга, сўлак ва терлаш таъсирига чидамли бўлиши керак.

34. Болалар ўйинчоқлари шундай конструкцияланган ва ишлаб чиқарилган бўлиши керакки, улардан ўз вазифасига кўра фойдаланилганда болаларга ва уларни назорат қилиб турган шахсларнинг ҳаёти ва соғлигига хавф туғдирмаслиги керак.

35. Болалар ўйинчоқлари органолептик кўрсаткичларининг гигиеник хавфсизлиги Техник регламентга 2-иловада келтирилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

36. Болалар ўйинчогининг физик ва механик хусусиятлари. Болалар ўйинчоги ва унинг таркибий қисмлари ҳамда уларни бириктирувчи қисмлари, ундан бажарадиган вазифасига кўра фойдаланилаётганида юзага келадиган механик зўриқишиларга чидамли бўлиши, бузилмаслиги ва ўз истеъмол хусусиятларини йўқотмаслиги керак.

37. Болалар ўйинчогининг қирралари, ўткир учлари, қаттиқ қисмлари, пружиналар, маҳкамловчи қисмлар, оралиқлар, бурчаклар, бугрилар, электр шнурлари, арқонлари ва маҳкамлагичлари болаларга жароҳатланиш хавфини туғдирмаслиги керак. Ўйинчоқларнинг очиқ қирралари ўткир бўлмаслиги

ёки у қайрилган бўлиши, ёриқлар бўлмаслиги, маҳкамланган қисмлар болт ва винт резба учлари 3 mm дан кўп ва чуқурлиги 0,5 mm дан кам бўлмаслиги ҳимоя қопламаси билан қопланган бўлиши керак. Конструкторлар бундан мустасно.

38. Ичи суюқлик билан тўлдирилган болалар ўйинчоқларининг суюқлиги сизилиб чиқмаслиги зарур.

39. Ёғочдан тайёрланган болалар ўйинчоқларида тугун ва қурт тушган жойлари бўлмаслиги зарур.

40. Болалар ўйинчоғининг ҳаракатга келтирувчи қўшимча қисмлар болага жароҳат олиши хавфини юзага келтирмаслиги керак. Ҳаракатга келтирувчи механизмлар қопламалар билан ёпилган бўлиши лозим.

41. Икки ғилдиракли болалар ўйинчоқларининг олд ғилдираги тўғри ҳаракатланиш чизигига нисбатан ҳар икки томонга $90^\circ \pm 5^\circ$ га бурилишни таъминлаши зарур.

42. З ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган, бевосита озиқ-овқат маҳсулотларига маҳкамланувчи ўйинчоқлар ва уларнинг ажралувчи қисмлари ўлчами шундай бўлиши керакки, у боланинг юқори нафас йўлига тушиб қолиш хавфини туғдирмаслиги керак.

43. Шақилдоқ ўйинчоқларнинг оғирлиги 100 g дан ошмаслиги керак.

44. З ёшгача бўлган болалар аргимчоғида болалар йиқилишининг олдини олувчи қурилма бўлиши ва ўриндиқقا маҳкамланган оёқлар орасидан ўтадиган камар билан таъминланган бўлиши зарур.

45. Аргимчоқقا ўрнатилган ҳимоя камарларининг (арқон, занжир ва бошқалар) диаметри 10 mm дан кам бўлиши мумкин эмас.

46. Юмшоқ ўйинчоқларнинг ичини тўлдирувчи материаллар таркибида каттиқ ёки ўткир бегона предметлар бўлмаслиги, ўйинчоқларнинг чоклари мустаҳкам бўлиши керак.

47. Болалар ўйинчоқлари ва уларнинг таркибий қисмлари болада бўғилиб қолиш хавфини юзага келтирмаслиги керак.

48. Ҳаво ўтказувчи материаллардан тайёрланган, боланинг бошини тўлиқ ёпиб турувчи ниқоблар ва зарбдан сақловчи бош кийимлар шундай тайёрланиши керакки, у ҳаво етмай қолиши натижасида боланинг бўғилиб қолиш хавфини келтириб чиқармаслиги зарур.

49. Болалар гавдасини сув юзасида ушлаб туришга мўлжалланган болалар ўйинчоқлари герметик ва мустаҳкам бўлиши зарур.

50. Болалар ичига жойлашиши мумкин бўлган болалар ўйинчоқларида ичкаридан осон очиладиган тирқишига, шунингдек, ташқи юзасида ҳаво алмаштирувчи вентиляцион туйнукка эга бўлиши зарур.

51. Болалар оғирлигини күтарадиган ва у билан ҳаракатланадиган ўйинчоқлар, мустаҳкам ва турғун бўлиши керак (икки гилдиракли велосипедлардан ташқари).

52. Механик ёки электр узатмага эга бўлган, эркин ҳаракатланиш механизми ёки узатиш қутиласининг нейтрал ҳолати бўлган болалар ўйинчоқларида тормозлаш қурилмаси бўлиши шарт. Болалар оғирлигини күтарадиган ва ғилдирагининг ҳаракати боланинг қўли ёки оёғи орқали амалга ошириладиган ёхуд механик узатма орқали электр юритма билан жиҳозланган болалар ўйинчоқларини тормозлаш қурилмаларсиз ишлаб чиқаришга рухсат этилади. Занжирили узатмага эга бўлган болалар ўйинчоқлари муҳофаза қопламаси билан жиҳозланган бўлиши зарур. Таянч юзасига сирпанишни бартараф этувчи элементлар ўрнатилган бўлиши керак.

53. Болалар оғирлигини күтарадиган ва у билан ҳаракатланишга мўлжалланмаган болалар ўйинчоқлари мустаҳкам ва ағдарилишга турғун бўлиши керак.

54. Отувчи механизмли снаряди кинетик энергияга эга бўлган ўйинчоқлар болалар ва (ёки) уларга қараб турувчи шахсларга жароҳат олиш хавфини келтириб чиқармаслиги керак.

55. 10 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган конструктор-йигилмалар ва моделларни йиғиши жараёнида кавшарлашга йўл қўймаслик керак.

56. Таркибида қиздириш элементи мавжуд бўлган ўйинчоқларни ишлаб чиқаришда қуидагилар таъминланиши зарур:

фойдаланувчига ўйинчоқ юзасидаги ҳарорат куйиш хавфини келтириб чиқармаслиги зарур;

инфрақизил нурланиш интеграл оқимининг жадаллик даражаси Техник регламентга 2-иловада келтирилган гигиеник хавфсизлик талабларига мос бўлиши керак;

болалар ўйинчоқларидағи суюқлик, буғ ёки газлар (агар бу ўйинчоқнинг ишлаши учун зарур бўлса) куйиш ёки бошқа шикастланишга олиб келмаслиги учун ҳарорат ёки босимнинг юқори қийматига эга бўлмаслиги керак.

57. Титраш манбаига эга бўлган болалар ўйинчоқларидағи маҳаллий титраш даражаси ҳамда товуш чиқарувчи ўйинчоқлардаги жаранглаш даражаси Техник регламентга 2-иловада келтирилган гигиеник хавфсизлик талабларига мувофиқ бўлиши керак.

58. Болалар учун шақилдоқ ўйинчоқлар ва болалар оғзи билан тўғридан-тўғри алоқада бўлувчи болалар ўйинчоқларининг сиртини бўяш ва расмлар чизишга рухсат этилмайди.

59. Стол усти йиғма болалар ўйинчоқларида қўлланиладиган тушунтириш матнлари ҳамда расмлари аниқ бўлиши, улар асосий фондан ажралиб туриши керак.

60. Йиғиладиган болалар ўйинчоқларининг (қўғирчоқ аравачаси, дазмол қилиш доскаси, йиғиладиган стулча ва бошқалар) қисимлари ўз-ўзидан букилишига ва сирпанишига йўл қўймаслик учун улар чекловчи қурилма ёки илгак билан таъминланган бўлиши зарур.

61. Болалар ўйинчоғининг ғилдираклари ва корпуси ёки унинг қисмлари (химоя тўсқичи) орасидаги масофа ғилдиракнинг ҳар қандай ҳолатида ҳам 5 mm дан кам ёки 12 mm дан кўп бўлиши зарур.

62. Стол усти йиғма ўйинчоқларидаги қофоз ва картонлар қуюқ бўёқлар билан чапланишига йўл қўймаслик керак.

63. Оптик болалар ўйинчоқлари шундай лойиҳаланиши ва ишлаб чиқарилиши керакки, у боланинг кўриш қобилияти ёмонлашуви хавфини келтириб чиқармаслиги зарур.

64. Светодиодлардан фойдаланиб тайёрланган болалар ўйинчоқлари кўриш органларига салбий таъсир этмаслиги ва заарли нурланишлар ҳосил қилмаслиги керак.

65. Болалар ўйинчоқларида лазерли нурланиш тизимининг ҳар қандай туридан фойдаланиш тақиқланади.

66. Болалар ўйинчоқлари маънавий-ахлоқий, психологик хавфсизликни таъминлаши ҳамда “оммавий маданият”ни тарғиб этмаслиги лозим.

3-боб. Хавфсизликка мувофиқликни таъминланиш талаблари

67. Болалар ўйинчоқларининг Техник регламентга мувофиқлиги куйидаги талаблар бажарилиши билан белгиланади:

Техник регламентга 2-иловада келтирилган гигеник хавфсизлик талаблари;

болалар ўйинчоқларини тадқиқ қилиш (синовдан ўтказиш) усуллари ва қоидалари, ўлчаш, шу билан бирга Техник регламент талабларини қўллаш ва бажариш ҳамда маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш (тасдиқлаш) учун зарур бўлган намуналарни танлаш қоидалари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларда келтирилган.

4-боб. Мувофиқликни баҳолаш

68. Болалар ўйинчоқларини савдога чиқариш олдидан Техник регламентнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлиги тасдиқланиши керак.

69. Болалар ўйинчоқларининг мувофиқлигини тасдиқлаш уларни сертификатлаштириш йўли билан амалга оширилади.

70. Болалар ўйинчоқларига тегишли хужжатлар тўплами ишлаб чиқарувчилар томонидан болалар ўйинчоқларининг ишлаб чиқарилиши тўхтатилган (бекор қилинган) кундан, болалар ўйинчоқларини импорт қилувчилар томонидан охирги маҳсулот сотилган кундан бошлаб камида 10 йил давомида сақланиши керак.

5-боб. Ўтиш даври

71. Техник регламент амалга киритилган пайтдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган ва болалар ўйинчоғи маҳсулотларига хавфсизлик талабларини белгилайдиган, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар Техник регламентга мувофиқлаштирилгунинг қадар Техник регламентга зид бўлмаган қисмлари юзасидан қўлланилади.

6-боб. Техник регламент талабларига риоя этилиши бўйича давлат назорати

72. Техник регламент талабларига риоя қилиш бўйича давлат назоратини Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг худудий органлари, шунингдек, бошқа маҳсус ваколатли давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

73. Техник регламент талабларига мувофиқ бўлмаган болалар ўйинчоғи маҳсулотларининг муомалага чиқарилишининг олдини олиш давлат назоратини амалга оширувчи ваколатли органлар томонидан конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7-боб. Техник регламент талаблари бузилганлиги учун жавобгарлик

74. Техник регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Умумий техник регламентга
1-илова

Болалар ўйинчоғи деб қаралмайдиган маҳсулотлар РҮЙХАТИ

1. Арча ўйинчоқлари, сунъий арчалар ва уларга тегишли электр гирляндлар.
2. 18 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланмаган, коллекция учун тўпланган масштабли моделлар.
3. Болаларнинг ўйин майдонлари жиҳозлари.
4. Спорт инвентарлари, шу жумладан сув остида қўлланиладиганлари ҳам.
5. 18 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланмаган фольклёр ва декоратив ўйинчоқлар.
6. Жамоат жойларида умумий фойдаланишга мўлжалланган “профессионал” ўйинчоқлар.
7. Ўйин автоматлари.
8. 500 дан зиёд деталлардан иборат бўлган мураккаб бош қотирмалар.
9. Пневматик қурол.
10. Отувчи қурилмалар ва катапультлар.
11. Металл учли отилувчи снарядлар.
12. Ўйинчоқларни тармоқдан таъминловчи трансформаторлар, аккумуляторларнинг зарядловчи қурилмалари, ўйинчоқлар билан бирга етказилувчилар ҳам.
13. Катталар назоратида ўкув жараёнида фойдаланиладиган, қиздирувчи элементлари бўлган буюмлар.
14. 18 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган ички ёнув двигателли транспорт воситалари.
15. Буғ двигателли ўйинчоқ машиналар.
16. Умумий фойдаланиладиган йўлларда ҳаракатланишга мўлжалланган велосипедлар.
17. Номиналь кучланиши 24 V дан юқори кучланишда ишлайдиган ўйинлар ва ўйинчоқлар.
18. Ўқотар қуролларнинг аниқ нусхалари.
19. Болалар учун бижутериялар.
20. Сузиш учун мосламалар (масалан, қўлга кийиладиган дам берилган манжетлар).

21. Ҳимоя воситалари (сузиш учун кўзойнаклар, қуёшдан ҳимояловчи кўзойнаклар, велосипедчининг ва скейтбордчининг шлемлари).
22. Резина шнур ёрдамида учириладиган ўйинчоқлар.
23. Тортилмаган ҳолатида узунлиги 1 200 mm дан ошадиган камонлар.
24. Латекс, резина ва силиконли эластомердан болалар учун тайёрланган санитар-гигиеник буюмлар.

Умумий техник регламентга
2-илова

**Болалар ўйинчоқларининг гигиеник хавфсизлигига
қўйиладиган талаблар**

1. Болалар ўйинчоқларининг гигиеник хавфсизлигига қўйиладиган талаблар қўйидагилардан иборат:

органолептик кўрсаткичлар (ҳиди, ёқимсиз таъми);

физик омиллар (товуш даражаси, электро статик майдон кучланганлигининг даражаси, электр магнит майдон кучланганлигининг даражаси, радиочастота диапазони, электр магнит майдон кучланганлиги даражаси, инфрақизил нурланиш интеграл оқимининг интенсивлик даражаси, маҳаллий титраш даражаси, табиий радионуклидларнинг активлиги солиштирма самарадорлиги);

санитар-кимёвий кўрсаткичлар (намуна муҳитида заарли кимёвий моддалар тарқалиши, материаллар кимёви таркибини аниқлаш билан боғлиқ бўлган рўйхат ва болалар ўйинчогидан ажралиб чиқадиган заарли кимёвий моддалар меъёри);

токсикологик-гигиеник кўрсаткичлар (шиллик қатlamда қичишиш ҳосил қилиши, токсиклик кўрсаткичи);

бундан ташқари, болалар ўйинчоқлари таркибида бўлиши тақиқланган ва концентрацияси болалар ўйинчогида ёки унинг таркибий қисмларида 100 mg/kg дан ошса, болалар ўйинчоқларининг тамғаларида кўрсатилиши лозим бўлган аллергия чақи्रувчи ароматизаторлар рўйхати;

микробиологик кўрсаткичлар.

Агар болалар ўйинчоги гигиеник хавфсизликка текширилаётганида назорат қилинадиган бирорта кўрсаткичи мос келмаслиги тасдиқланган тақдирда, болалар ўйинчоги бўйича бундан кейинги ҳар қандай тадқиқотлар тўхтатилади.

2. Органолептик кўрсаткичлар:

табиий шароитда ва сувли муҳитда болалар ўйинчоги ҳиди интенсивлиги:

1 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган ўйинчоқларда 1 баллдан ошмаслиги керак;

1 ёшдан катта бўлган болалар учун бу кўрсаткич 2 баллдан ошмаслиги керак;

сувли муҳитда ҳидининг намунавий интенсивлиги 3 ёшдан катта болалар учун болалар ўйинчоқларида 2 баллдан ошмаслиги керак;

3 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган ўйинчоқларда ва оғиз бўшлиғи билан тўғридан-тўғри алокада бўлувчи болалар ўйинчоқларида ҳосил бўладиган ёқимсиз таъмнинг интенсивлиги 1 баллдан ошмаслиги керак.

3. Физик омиллар:

а) овоз чиқарувчи болалар ўйинчоқларининг товушлари эквивалентлик даражаси (спорт ўйинлари моделларидан ташқари) қўйидаги қийматларга тенг бўлиши талаб этилади:

3 ёшгача бўлган болалар учун – 60 dBA (dBA - акустик децибел);

3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар учун – 65 dBA дан юқори бўлмаслиги керак;

6 ёшдан катта болалар учун – 70 dBA дан юқори бўлмаслиги керак;

б) импульсли товуш чиқарувчи болалар ўйинчоқларидан бошқа очиқ ҳавода ўйналадиган болалар ўйинчоқлари товушининг эквивалентлик даражаси

75 dBA дан юқори бўлмаслиги керак;

в) болалар ўйинчоқлари товушининг энг юқори даражаси қўйида келтирилган кўрсаткичларга мувофиқ бўлиши керак:

3 ёшгача бўлган болалар учун – 70 dBA дан юқори бўлмаслиги;

3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар учун – 75 dBA дан юқори бўлмаслиги;

6 ёшдан катта болалар учун – 80 dBA дан юқори бўлмаслиги;

очиқ ҳавода ўйналадиган болалар ўйинчоқлари товушининг энг юқори даражаси 85 dBA дан юқори бўлмаслиги керак;

импульсли товуш чиқарувчи болалар ўйинчоқларининг энг юқори товуш чиқариш даражаси 90 dBA дан ошмаслиги керак;

г) болалар ўйинчоқлари юзасидаги электр статик майдон кучланганлиги даражаси 15 kV/m дан ошмаслиги керак;

д) радио бошқарувли, электрон ва электротехник болалар ўйинчоқлари тарқатадиган электр магнит майдонларининг кучланганлик даражаси, частота оралиғи:

$0,3 \text{ kHz}$ дан 300 kHz гача оралиқда ўзгарганда 25 V/m дан;

$0,3 \text{ MHz}$ дан 3 MHz гача оралиқда ўзгарганда 15 V/m дан;

3 MHz дан 30 MHz гача оралиқда ўзгарганда 10 V/m дан;

30 MHz дан 300 MHz гача оралиқда ўзгарганда 3 V/m дан;

$0,3$ дан 300 GHz гача оралиқда ўзгарганда $10 \mu\text{W/cm}^2$ дан ошмаслиги керак.

е) болалар ўйинчоғида саноат частотали (50 Hz) электр токи ҳосил қиласидиган майдоннинг кучланганлик даражаси $0,5 \text{ kV/m}$ дан ошмаслиги керак;

е) инфрақизил нурланиш интеграл оқимининг интенсивлик даражаси 100 W/m² дан ошмаслиги керак;

ж) тебраниш манбаига эга бўлган ўйинчоқларда ўртacha геометрик оқтавалар оралиғидаги 8 Hz ва 16 Hz частоталар учун маҳаллий тебраниш даражаси 63 dB дан ошмаслиги керак, 69 dB бўлганда-31,5 Hz, 75 dB бўлганда-63 Hz, 81 dB бўлганда-125 Hz, 87 dB бўлганда-250 Hz, 93 dB бўлганда-500 Hz, 99 dB бўлганда-1000 Hz частоталарга эга бўлади. Тебраниш тезланишининг тўғриланган даражаси 66 dB дан ошмаслиги керак;

з) табиий материаллардаги табиий радионуклидларнинг ва болаларнинг ижодий ўйинларининг жамланмалари таркибига кирувчи, улардан тайёрланган маҳсулотларнинг солиштирма самарадорлик даражаси 370 Bq/kg дан ошмаслиги керак.

4. Санитар-кимёвий кўрсаткичлар:

а) болалар ўйинчоқларида намунали (сувли, ҳаволи) муҳитда заарли кимёвий моддаларнинг тарқалиш даражаси 1а-жадвалда ва намунавий муҳитда 1б-жадвалда келтирилган меъёрлардан ошиб кетмаслиги зарур;

1а-жадвал

Намунали (сувли, ҳаволи) муҳитда заарли кимёвий моддаларнинг тарқалиш даражаси

Материаллар, маҳсулотларнинг номланиши	Аниқланадиган заарли модданинг номланиши	Тарқалиш даражаси	
		Сувли муҳит (mg/dm ³), юқори бўлмаган	Ҳаволи муҳит (mg/m ³), юқори бўлмаган
Акрилонитрил бутадиенстиролли пластиклар	α-метилстирол	0,1	0,04
	акрилонитрил	0,02	0,03
	бензалдегид	0,003	0,04
	бензол	0,01	0,1
	ксилоллар (изомерлари қоришимаси)	0,05	0,2
	стирол	0,01	0,002
	толуол	0,5	0,6
	этилбензол	0,01	0,02
	формалдегид	0,1	0,003*
Стиролнинг сополимерлари ва простирол	ацеталдегид	0,2	0,01
	ацетон	0,1	0,35
	бензалдегид	0,003	0,04
	бензол	0,01	0,1
	бутадиен	0,05	1,0
	ксилоллар (изомерлар қоришимаси)	0,05	0,2
	кумол (изопропилбензол)	0,1	0,014

Материаллар, маҳсулотларнинг номланиши	Аниқланадиган зараарли модданинг номланиши	Тарқалиш даражаси	
		Сувли мухит (mg/dm ³), юқори бўлмаган	Ҳаволи мухит (mg/m ³), юқори бўлмаган
	метилметакрилат	0,25	0,01
	бутил спирти	0,5	0,1
	метил спирти	0,2	0,5
	стирол	0,01	0,002
	толуол	0,5	0,6
	формалдегид	0,1	0,003*
	этилбензол	0,01	0,02
Полиолефинлар асосидаги хомашё	ацеталдегид	0,2	0,01
	ацетон	0,1	0,35
	гексан	0,1	-
	гексен	-	0,085
	гептан	0,1	-
	гептен	-	0,065
	изопропил спирти	0,1	0,6
	бутил спирти	0,5	0,1
	изобутил спирти	0,5	0,1
	метил спирти	0,2	0,5
	пропил спирти	0,1	0,3
	формалдегид	0,1	0,003*
	этилацетат	0,1	0,1
Винилацетат асосидаги полимерлар	ацеталдегид	0,2	0,01
	винилацетат	0,2	0,15
	гексан	0,1	-
	гептан	0,1	-
	формалдегид	0,1	0,003*
Поливинилхлоридлар	ацеталдегид	0,2	0,01
	ацетон	0,1	0,35
	бензол	0,01	0,1
	винилхлорид	0,01	0,01
	дибутилфталат**	руксат этилмайди	руксат этилмайди
	диметилфталат	0,3	0,007
	диоктилфталат	2,0	0,02
	диэтилфталат	3,0	0,01
	бутил спирти	0,5	0,1
	изобутил спирти	0,5	0,1
	зопропил спирти	0,1	0,6
	метил спирти	0,2	0,5
	пропил спирти	0,1	0,3
	толуол	0,5	0,6
	фенол***	0,05	0,003
	фенолларнинг умумий йиғиндиси***	0,1	-
	рух	1,0	-
	қалай	2,0	-

Материаллар, маҳсулотларнинг номланиши	Аниқланадиган зараарли мадданинг номланиши	Тарқалиш даражаси	
		Сувли мухит (mg/dm ³), юқори бўлмаган	Ҳаволи мухит (mg/m ³), юқори бўлмаган
Полиуретанлар	ацеталдегид	0,2	0,01
	ацетон	0,1	0,35
	бензол	0,01	0,1
	бутилацетат	0,1	0,1
	изопропил спирти	0,1	0,6
	метил спирти	0,2	0,5
	пропил спирти	0,1	0,3
	толуол	0,5	0,6
	формалдегид	0,1	0,003*
	этилацетат	0,1	0,1
Полиамидлар	этиленгликол	1,0	1,0
	бензол	0,01	0,1
	гексаметилендиамин	0,01	0,001
	е-капролактам	0,5	0,06
	метил спирти	0,2	0,5
	фенол***	0,05	0,003
Полиакрилат	фенолларнинг умумий йигиндиси***	0,1	-
	акрилонитрил	0,02	0,03
	гексан	0,1	-
	гептан	0,1	-
Полиэфирлар асосидаги хомашёлар	метилметакрилат	0,25	0,01
	ацеталдегид	0,2	0,01
	Ацетон	0,1	0,35
	метилацетат	0,1	0,07
	метил спирти	0,2	0,5
	пропил спирти	0,1	0,3
	фенол***	0,05	0,003
	фенолларнинг умумий йигиндиси***	0,1	-
Терефтал кислота асосидаги полиэтилентерефлат ва сополимерлар	формалдегид	0,1	0,003*
	ацеталдегид	0,2	0,01
	ацетон	0,1	0,35
	диметилтерефталат	1,5	0,01
	бутил спирти	0,5	0,1
	изобутил спирти	0,5	0,1
	метил спирти	0,2	0,5
	формалдегид	0,1	0,003*
Поликарбонат	этапенгликол	1,0	1,0
	динифенолпропан	0,01	0,04
	метиленхлорид	7,5	-
	фенол***	0,05	0,003
	фенолларнинг умумий йигиндиси***	0,1	-
	хлорбензол	0,02	0,1

Материаллар, маҳсулотларнинг номланиши	Аниқланадиган зараарли модданинг номланиши	Тарқалиш даражаси	
		Сувли мухит (mg/dm ³), юқори бўлмаган	Ҳаволи мухит (mg/m ³), юқори бўлмаган
Фенопластлар ва аминопластлар	ацеталдегид	0,2	0,01
	фенол***	0,05	0,003
	фенолларнинг умумий йигиндиси***	0,1	-
	формалдегид	0,1	0,003*
Эпоксид смолалар асосидаги полмер хом ашёлар	ацеталдегид	0,2	0,01
	фенол***	0,05	0,003
	фенолларнинг умумий йигиндиси***	0,1	-
	формалдегид	0,1	0,003*
	эпихлоргидрин	0,1	0,2
Парафинлар ва мумлар	ацеталдегид	0,2	0,01
	ацетон	0,1	0,35
	бензапирен**	руксат этилмайди	руксат этилмайди
	гексан	0,1	-
	гептан	0,1	-
	бутил спирти	0,5	0,1
	метил спирти	0,2	0,5
	толуол	0,5	0,6
	формалдегид	0,1	0,003*
Резиналатексли композициялар	агидол 2	2,0	-
	агидол 40	1,0	-
	акрилонитрил	0,02	0,03
	алтакс	0,4	-
	ацетофенон	0,1	0,003
	бензапирен**	руксат этилмайди	руксат этилмайди
	вулкацит (этилфенилдитиокарбамат цинк)	1,0	-
	диметилдитиокарбамат цинк (цимат)	0,6	-
	диэтилдитиокарбамат цинк (этилцимат)	0,5	-
	агидол 2	2,0	-
	агидол 40	1,0	-
	акрилонитрил	0,02	0,03
	алтакс	0,4	-
	ацетофенон	0,1	0,003
	каптакс(2меркаптобензтиазол)	0,4	-
	стирол (винилбензол)	0,01	0,002
	сулфенамид Ц (циклогексил-2-бензиазолсулфенамид)	0,4	-

Материаллар, маҳсулотларнинг номланиши	Аниқланадиган зараарли модданинг номланиши	Тарқалиш даражаси	
		Сувли мухит (mg/dm ³), юқори бўлмаган	Ҳаволи мухит (mg/m ³), юқори бўлмаган
	тиурам Д (тетраметилтиурам дисулфид)	0,5	-
	тиурам Е(тетраэтилтиурам дисулфид)	0,5	-
	рух	1,0	-
Силиконлар	ацеталдегид	0,2	0,01
	бензол	0,01	0,1
	бутил спирти	0,5	0,1
	метил спирти	0,2	0,5
	фенол***	0,05	0,003
	фенолларнинг умумий йифиндиси***	0,1	-
	формалдегид	0,1	0,003*
Қоғоз, картон	ацеталдегид	0,2	0,01
	ацетон	0,1	0,35
	бензол	0,01	0,1
	бутилацетат	0,1	0,1
	ксилоллар (изомерлар қоришинаси)	0,05	0,2
	бутил спирти	0,5	0,1
	изобутил спирти	0,5	0,1
	метил спирти	0,2	0,5
	изопропил спирти	0,1	0,6
	толуол	0,5	0,6
	формалдегид	0,1	0,003*
	этилацетат	0,1	0,1
	рух	1,0	-
Ёғоч	ацеталдегид	0,2	0,01
	бутил спирти	0,5	0,1
	изобутил спирти	0,5	0,1
	метил спирти	0,2	0,5
	изопропил спирти	0,1	0,6
	фенол***	0,05	0,003
	фенолларнинг умумий йифиндиси***	0,1	-
	формалдегид	0,1	0,003*
Сопол, ойна	алюминий	0,5	-
	бор	0,5	-
	рух	1,0	-
	титан	0,1	-
Сунъий мўйна, тўқимачилик материаллари	акрилонитрил	0,02	0,03
	ацетон	0,1	0,35
	бензол	0,01	0,1

Материаллар, маҳсулотларнинг номланиши	Аниқланадиган заарли модданинг номланиши	Тарқалиш даражаси	
		Сувли мухит (mg/dm ³), юқори бўлмаган	Ҳаволи мухит (mg/m ³), юқори бўлмаган
Винилацетат метил спирти толуол фенол*** фенолларнинг умумий йигиндиси*** формалдегид	винилацетат	0,2	0,15
	метил спирти	0,2	0,5
	толуол	0,5	0,6
	фенол***	0,05	0,003
	фенолларнинг умумий йигиндиси***	0,1	-
	формалдегид	50 mkg/g	0,003*
Бўёқлар, қаламлар, фломастерлар, гуаш, пластилин ва шунга ўхшаш маҳсулотлар	фенол***	0,05	0,003
	фенолларнинг умумий йигиндиси***	0,1	-
	формалдегид	0,1	0,003*
Пўлат	темир	0,3	-
	марганец	0,1	-
	хром (Cr 3+)	жамланган	-
	хром (Cr 6+)	0,100	-
	никел	0,1	-
	мис	1,0	-
Қалайли бронза	мис	1,0	-
	рух	1,0	-
	никел	0,1	-
	қалай	2,0	-
	қўргошин	0,03	-
Алюминий қотишмалари	алюминий	0,5	-
	марганец	0,1	-
	темир	0,3	-
	мис	1,0	-
	рух	1,0	-
Қўргошин-кумушли қотишмалар	қўргошин	0,03	-
	кадмий	0,001	-
	кумуш	0,05	-

*) Меъёрлар атроф-муҳит ҳавоси фонининг ифлосланишини ҳисобга олинмаган ҳолат учун келтирилган.

**) Санитар-кимёвий қўрсаткичлар, назорат учун қўлланиладиган ўлчашлар методикасига кўра, келтирилган заҳарли моддаларнинг пастки чегарасидаги меъёрий қийматидан кўт бўлишига руҳсат этилмайди.

***) Ўзаро бир-бирини алмаштирувчи қўрсаткичлар.

Намунали мұхитда заарли кимёвий моддаларнинг тарқалиш даражаси

Материал, махсузотнинг номланиши	Аниқланадиган заарли моддаларнинг номланиши	Рұксат этилган тарқалиш даражаси (намунавий мұхит (mg/dm^3) гача)
1. Акрилонитрил бутадиенстиролли пластиклар.	күргошин	90
2. Стиролнинг сополимерлари ва простиrol.	символ	25 (ҳар килограмда)
3. Полиолефинлар асосидаги материаллар.	символ	60 (ҳар қандай ўйинчоқ материалларида)
4. Винилацетат асосидаги полимерлар.	кадмий	50 (ҳар килограмда)
5. Поливинилхлоридлар.	кадмий	75 (ҳар қандай ўйинчоқ материалларида)
6. Полиуретанлар.	хром	25 (ҳар килограмда)
7. Полиамиллар.	хром	60 (ҳар қандай ўйинчоқ материалларида)
8. Полиакрилат.	мишяк	25
9. Полиэфирлар асосидаги материаллар.	барий	250 (ҳар килограмда)
10. Терефталли кислоталар асосидаги полиэтилен терефталат ва сополимерлар.	барий	1000 (ҳар қандай ўйинчоқ материалларида)
12. Поликарбонат.		
13. Фенопластлар ва аминопластлар.		
14. Эпоксид смолалар асосидаги полимер.		
15. Материаллари.		
16. Парафинлар ва мұмлар.		
17. Резина-латексли композициялар (күргошин бундан мұстасно).		
18. Силиконлар.		
19. Қоғоз ва картон.		
20. Ёғоч.		
21. Сопол ва ойна.		
22. Сунъий мўйна ва тўқимачилик материаллари.		
23. Бўёқлар, қаламлар, фломастерлар.		
24. Гуаш, пластилин ва шунга ўхшаш махсузотлар.		

Эслатма.

Дистилланган сув, санитар-кимёвий тадқиқотларни олиб бориш учун мажбурий намунавий мұхит ҳисобланади.

Уч ёшдан кетта бўлган болалар учун мўлжалланган юмшоқ ва ёғоч ўйинчоқлар, қўғирчоқларнинг кийимлари, болаларни ҳаракатлантириши учун ва ичига сиздирувчи ёки кўтарувчи кетта ўлчамдаги ўйинчоқларда заҳарли моддаларнинг тарқалиш даражаси ҳаволи (очик) намунавий мұхитда аниқланади.

б) Намунавий мұхитда (тузли кислотада), болалар үйинчоғининг материалларидан ажралиб чиқадиган заарли моддалар 1-в жадвалда көлтирилгандан мейерлардан ошиб кетмаслиги керак;

1в-жадвал

Болалар үйинчоғининг материалларидан ажралиб чиқадиган заарли моддалар мейерлари рўйхати

Аниқланадиган заарли кимёвий моддаларнинг номланиши	Тарқалиш даражаси	
	Болалар үйинчоғининг 1 kg ташкил этувчи ҳар қандай материалларидан ажралиб чиқадиган заарли моддалар миқдори, mg	Болалар үйинчоғининг 1 kg ни ташкил этувчи массасидан ва бармоқ билан суртиладиган бўёкларидан ажралиб чиқадиган заарли моддалар миқдори, mg
сурма	60	60
қўргошин	90	90
симоб	60	25
кадмий	75	50
хром	60	25
мишяк	25	25
барий	1000	250
селен	500	500

5. Токсикологик-гигиеник кўрсаткичлар:

уч ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган, шунингдек, функционал хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда, бола оғиз бўшлиғи билан тўғридан-тўғри алоқада бўладиган болалар үйинчоқлари бола оғиз бўшлиғи шиллик пардасига яллиғлантирувчи таъсир кўрсатмаслиги керак;

болалар үйинчоқларида сувли мұхитда (дистирланган мұхитда) аниқланадиган маҳаллий тери қичишиш кўрсаткичлари кузатилмаслиги ёки токсиклик кўрсаткичи сувли мұхитда – 70 фоиздан 120 фоизгача, ҳаволи мұхитда – 80 фоиздан 120 фоизгача бўлиши керак;

6. Болалар үйинчоқларида 2-жадвалда көлтирилгандан аллергия чақиравчи ароматизаторлар бўлиши тақиқланади.

2-жадвал

Болалар үйинчоқларида бўлиши тақиқланган аллергия чақиравчи ароматизаторлар рўйхати

Номланиши	CAS рақами
қора андиз мойи	9767635-2
аллилизотиоцианат	57-06-7

Номланиши	CAS раками
бензил цианити	140-29-4
4-третбутилфенол	98-54-4
мари эфир мойи	8006-993
цикламенол	4756-198 7
диэтилмалаат	141-05-9
дигидрокумарин	119-84-6
2,4-дигидрокси-3-метилбензалдегид	6248-200
3,7-диметил-2-октен-1-ол (6,7-дигидрогераниол)	4060748-5
4,6-диметил-8-третбутилкумарин	1787434-9
диметилцитраконат	617-54-9
7,11-диметил-4,6,10-додекатриен-3-он	2665196-7
6,10-диметил-3,5,9-ундекатриен-2-он	141-10-6
дифениламин	122-39-4
этилакрилат	140-88-5
оддий анжир барги	6891652-9
транс-2-гептенал	1882955-5
транс-2-гексеналдиэтилацетал	6774630-9
транс-2-гексеналдиметилацетал	1831883-7
гидроабиэтанол	1339393-6
4-этоксифенол	622-62-8
6-изопропилдекагидронадиафталин-2-ол	3413199-2
7-метоксикумарин	531-59-9
4-метоксифенол	150-76-5
4-(п-метоксифенил)-3-бутен-2-он	943-88-4
1-(п-метоксифенил)-1-пентен-3-он	104-27-8
метил-транс-2-бутеноат	623-43-8
6-метилкумарин	92-48-8
7-метилкумарин	2445-832
5-метил-2,3-гександион	1370686-0
костус илдизи мойи	8023-88-9
7-этокси-4-метилкумарин	87-05-8
гексагидрокумарин	700-82-3
тозаланмаган перуан бальзам (myroxylon pereirae (royale) klotzsch)	8007-00-9
2-пентилиденциклогексанон	2567740-1
3,6,10-триметил-3,5,9-ундекатриен-2-он	1117-415
тизмагул вербена мойи	8024-12-2
4-третбутил-3-метокси-2,6-динитротолуол	83-66-9
4-фенил-3-бутен-2-он	122-57-6

Номланиши	CAS рақами
амилциннамал	122-40-7
2-пентил-3-фенилпроп-2-ен-1-ол	101-85-9
бензил спирти	100-51-6
бензилсалицилат	118-58-1
стирон (3-фенил-2-пропен-1-ол)	104-54-1
циннамал	104-55-2
цитрал	5392-405
кумарин	91-64-5
эвгенол	97-53-0
гераниол	106-24-1
гидроксицитронеллал	107-75-5
гидроксиметилпентилициклогексенкарбоксиалдегид	31906-04-4
изоэвгенол	97-54-1
evernia prunastri	90028-68-5
pseudevernia furfuracea	90028-67-4

Бундан ташқари, 3-жадвалда келтирилган аллергия чақиравчы ароматизаторларнинг концентрацияси ўйинчоқда ёки унинг таркибий қисмларида 100 mg/kg дан ошса, уларнинг номлари болалар ўйинчоқлари тамғаларида кўрсатилиши лозим.

3-жадвал

**Концентрацияси болалар ўйинчоғида ёки унинг таркибий қисмларида
100 mg/kg дан ошса, болалар ўйинчоқларининг тамғаларида
кўрсатилиши лозим бўлган аллергия чақиравчи ароматизаторлар
рўйхати**

Номланиши	CAS рақами
Арпабодиён спирти	105-13-5
Бензилбензоат	120-51-4
Бензилциннамат	103-41-3
Цитронеллол	106-22-9
Фарнезол	4602-84-0
Гексилциннамал	101-86-0
Лилиал	80-54-6
d-лимонен	5989-27-5
Линалоол	78-70-6
Метилгептинкарбонат	111-12-6
3-метил-4-(2,6,6-тритил-2-циклогексен 1-ил)-3-бутен-2-он	127-51-5

7. Бир ёшгача болаларга мүлжалланган ўйинчоқларни ташкил қилувчи массасида ва бармоқлар билан суртиловчы бўёқлар таркибида микробиологик кўрсаткичлар 4-жадвалда келтирилган меъёрларга мувофиқ бўлиши керак.

Ўйинчоқларнинг микробиологик қўрсаткичлари

Ўйинчоқларнинг номланиши	Микроорганизмларнинг умумий сони (мезофиллар, аэроблар ва факультатив анаэроблар), КОЕ*	Хамиртурушлар, хамиртурушга ўхшаш, замбуруғлар, ўйинчоқларнинг 1 g ида (1 cm ² , 1 cm ³)	Энтеробактериялар оиласидаги бактериялар, ўйинчоқларнинг 1 g ида (1 cm ² , 1 cm ³)	Патоген стафилококклар, ўйинчоқларнинг 1 g ида (1 cm ² , 1 cm ³)	Псевдомонас аэрогиноза ўйинчоқларнинг 1 g ида (1 cm ² , 1 cm ³)
1 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган ичи тўлдирилган ўйинчоқларни ташкил қилувчи массасида ва бармоқлар билан суртиловчи бўёкларда	10 ² гача	мавжуд эмас	мавжуд эмас	мавжуд эмас	мавжуд эмас

*) Бактериялар занжирини шакиллантириш бирлиги.

Умумий техник
регламентига З-илова

Хавфлилил даражаси юқори бўлган болалар ўйинчоқларидан фойдаланиш хавфлари ва уларнинг меъёрлари ҳақидаги ахборотларга қўйиладиган талаблар

Болалар учун ва (ёки) уларга қараб турувчи шаҳслар учун энг кўп хавф тутдирувчи болалар ўйинчоқлари, улардан фойдаланишда юзага келадиган хавфлар ва уларни бартараф этиш чоралари ҳақида ахборотлар билан таъминланиши керак.

1. Уч ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланмаган болалар ўйинчоқларига ёш гурухи кўрсатилган, тақиқловчи шартли график белги қўйилган бўлиши керак. 1-расмда шартли график белгининг тасвири келтирилган.



1-расм

Шартли график белги қуйидаги элементлардан ташкил топган бўлади:
айлана ва ичиде кесишувчи қизил ёки қора рангли чизик;
айлана фони – оқ рангда;

болалар ўйинчоғининг ёш гурухига мўлжалланмаганлиги матни қора сиёҳда ёзилган ва боланинг юз контури қора рангда чизилган бўлади. Шартли график белгининг минимал диаметри 10 mm дан кам бўлмаслиги керак.

2. Осма аргимчоқлар, сирпаниб училадиган ясама тепалик халқалар, трапециялардан фойдаланиш ҳужжатлари.

Арқонлар ва шунга ўхшаш болалар ўйинчоқларидан фойдаланиш ҳужжатларида таркибий қисмларини тўғри йиғилишига қўйиладиган талабларнинг бажарилиши уларнинг нотўғри йиғилишида юзага келадиган хавфнинг ошишига ва техник хизмат кўрсатишнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар кўрсатилади.

3. Функционал болалар ўйинчоқларида ёки унинг қадоқловчи қисмida “Дикқат! Бевосита фақат катталар назорати остида фойдаланилсин!” деган огоҳлантирувчи ёзув бўлиши керак.

Фойдаланиш хужжатларида огохлантирувчи чоралар ва кўрсатмалар бўлиши шарт, уларнинг бажарилмаслиги болалар ўйинчоқларидан фойдаланувчиларни хавф остида қолдиради.

Фойдаланиш хужжатларида болалар ўйинчоқларини болалар қўли етмайдиган жойларда саклаш хақида кўрсатма бўлиши шарт.

4. Кимёвий болалар ўйинчоқларидан фойдаланиш тўғрисидаги хужжатларда хавфли моддалар ва реактивларнинг мавжудлиги ва уларнинг истеъмолчи томонидан қўлланилиши хавфидан келиб чиқсан ҳолда, хавфсизлик чораларини кўриш тўғрисида кўрсатмалар берилиши керак. Фойдаланиш хужжатларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисида ахборот берилиши, шунингдек, қандай ёшдаги болаларга мўлжалланганлиги тўғрисидаги кўрсатма ҳам бўлиши керак.

Кимёвий болалар ўйинчоғининг қадоқловчи қисмида “Дикқат! Фақат ёшдан катта бўлган болалар учун! Бевосита катталар назорати остида фойдаланилсин!” деб ёзиб қўйилади. Боланинг ёшини ишлаб чиқарувчи кўрсатади.

5. Озиқ-овқат маҳсулоти қадоқланган идишга болалар ўйинчоғи жойлаштирилган бўлса, у ҳолда қадоқланган идишга “Ичидা ўйинчоқ бор” деган огохлантирувчи ёзув ёзиб қўйилган бўлиши шарт.

6. Роликли конкилар ва скейтбордлар болалар ўйинчоқлари сифатида сотувга чиқарилганида, уларда “Дикқат! Ҳимоя воситаларини кийиб олиш тавсия этилади!” деган огохлантирувчи ёрлиғи бўлиши керак.

7. Бундай болалар ўйинчоқларидан фойдаланиш учун маълум кўнималарга эга бўлиш талаб этилади. Фойдаланиш хужжатларида йиқилиши ёки урилиб кетиши натижасида жароҳат олишдан сакланиш мақсадида болалар ўйинчоғидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш тўғрисида, шунингдек, ҳимоя воситаларидан (ҳимоя шлемларидан, қўлқоплардан, тизза ҳимоялагичларидан, тирсакларни ҳимояловчи қалқончалардан ва бошқалар.) фойдаланиш бўйича кўрсатмалар бўлиши талаб этилади.

8. Сув ўйинлари учун фойдаланиладиган болалар ўйинчоқларида “Дикқат! Саёз сув ҳавзаларида фақат катталар назорати остида фойдаланилади!” деган ёзув матни қўйилиши шарт.

